

“Ўзбекистон диёрим, ки андин ифтихорим” номли ижодкор ёшлар ўртасида расмлар танловини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича НИЗОМ

I. Умумий қондалар:

1.1. “Ўзбекистон диёрим, ки андин ифтихорим” номли расмлар танлови (бундан буён танлов деб юритилади) ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, улуғ аجدодларимизнинг бой маънавий меросини тарғиб қилиш, замонамиз қаҳрамонлари образини яратиш ҳамда уларнинг тарихий хизматларини мамлакатимиз аҳолисига етказиш ва абадийлаштириш мақсадида ўтказилади.

1.2. Танловни ўтказиш шартлари ва тартиби ҳақидаги маълумотлар Республика Маънавият ва маърифат марказининг расмий веб-сайти ҳамда оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилинади.

1.3. Танловни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ барча ташкилий масалалар Республика ва ҳудудий ташкилий кўмиталар томонидан ҳал этилади.

1.4. Ташкилий кўмита заруратдан келиб чиқиб, танлов Низоми ва уни ўтказиш тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиши мумкин.

II. Танловни ташкил этиш тартиби:

2.1. Танловда 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган, тасвирий санъат йўналишида ижод қилаётган ижодкор ёшлар иштирок этиши мумкин.

2.2 Танлов икки босқичда ташкил этилади.

1-босқич: Танлов иштирокчиларининг ҳужжатларини қабул қилиш ва саралаш босқичи. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида 2021 йилнинг апрель-май ойларида ўтказилади (ҳудудлардаги ташкилий кўмита томонидан амалга оширилади ва ҳар бир ҳудуддан энг яхши деб топилган ишлар сараланиб Республика ишчи гуруҳига тақдим этилади);

2-босқич: Республика босқичи Республика Маънавият ва маърифат марказида 2021 йил июнь ойида ўтказилади. Бунда ҳудудлардан тақдим этилган ишлар ўрганиб чиқилади ва энг яхши деб топилган 1-ўрин ғолиби аниқланади, шунингдек, қўшимча 1 та фахрли ўринга лойиқ кўрилган иштирокчининг иши саралаб олинади.

2.3. Танлов ғолиби ва совриндорларини тақдирлаш маросимининг куни ва жойи Ташкилий кўмита қарорига асосан белгиланади ҳамда Республика Маънавият ва маърифат маркази расмий веб-сайтида камида 2 кун олдин эълон қилинади.

III. Ҳакамлар ҳайъати таркибини шакллантириш:

3.1. Танловнинг экспертлар гуруҳи таркиби Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳузуридаги “Маърифат” тарғиботчилар жамияти аъзолари, ёзувчи ва шоирлар, таниқли журналистлар, ҳамкор ташкилотлар тавсия этган мутахассислардан шакллантирилади.

IV. Ташкилий қўмита мажбуриятлари:

4.1. Ташкилий қўмита фаолияти давомида қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

- танловни ўтказиш юзасидан қарор қабул қилади;
- танлов тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқади ва унга ўзгартиришлар киритади;
- танлов бошланиши тўғрисида белгиланган муддатларда Маънавият ва маърифат маркази расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида эълон беради;
- ҳакамлар ҳайъати таркибини ҳамда унинг раисини тайинлайди
- танловнинг республика босқичига ҳужжатларни қабул қилиш жараёнини ташкил этади, аризаларнинг мазкур Низом талаблари асосида расмийлаштирилишини назорат қилади;
- танловнинг бошқа ташкилий масалаларини ҳал этади;
- танловнинг республика босқичида ғолибликни қўлга киритмаган иштирокчиларнинг ишлари муаллифларга танлов эълон қилинган кундан бошлаб бир ой муддатда қайтариб берилади. Ташкилий қўмита кўрсатилган муддат тугагандан сўнг ижодий ишларни сақлаш учун кафолат бермайди.

V. Танлов шартлари ва баҳолаш мезонлари

5.1. Танловда иштирок этаётган асарлар ва унинг мазмунига қуйидаги талаблар қўйилади;

- танловга Низом талаблари асосидаги фақат 1 дона асар тақдим этилиши лозим;
- асарлар мазмуни танлов мавзусига мос келиши керак;
- асарлар мазмуни ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, улуг аждодларимизнинг бой маънавий меросини тарғиб қилиш, замонамиз қахрамонлари образини яратишга қаратилган бўлиши лозим;
- танловда иштирок этаётган асарларга учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари, шу жумладан, муаллифлик ҳуқуқини поймол этувчи материаллар, танлов мавзусига зид бўлган, маънавий ва ахлоқий меъёрларга тўғри келмайдиган асарлар қабул қилинмайди.

5.2. Ижодий ишлар (танлов иштирокчиларининг ишлари) Ҳакамлар ҳайъати томонидан қуйидаги асосий мезонлар бўйича баҳоланади:

- асар мазмунининг мавзуга мос келиши;
- рангларнинг аниқ танланганлиги ва мутаносиблиги;
- ижодий ишдаги техник маҳорати (ранглар, ёруғлик ва сояларни ишлаш маҳорати);

- композициянинг ишлаш маҳорати ва унинг тугалланганлик даражаси баҳоланади.

5.3. Танлов иштирокчиларининг ижодий ишлари Ҳакамлар ҳайъати томонидан ишлаб чиқилган махсус баҳолаш мезони орқали баҳоланади.

5.4. Танловда иштирок этиш истагини билдирган ёшлар танловнинг ҳудудий Ташкилий қўмиталарига ариза билан мурожаат қилиб, ўз аризасига қуйидаги қўшимча ҳужжатларни тақдим этиши лозим;

- иштирокчининг паспорти (ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжат) нусхаси;

- иштирокчининг охириги 3 ой ичидаги 4х6 ҳажмдаги фотосурати.

5.5. Танловнинг республика басқичига йўлланма олган иштирокчиларга ҳудудий Ташкилий қўмиталар томонидан қуйидаги ҳужжатлар тақдим қилиниши лозим;

- ҳудудий танлов натижалари бўйича танлов Ҳакамлар ҳайъати баённомасидан нусха;

- иштирокчининг ижодий иши;

- иштирокчининг паспорти (ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжат);

- иштирокчининг охириги 3 ой ичидаги 4х6 ҳажмдаги фотосурати.

VI. Ғолибларни тақдирлаш:

6.1. Танлов ғолибларини тақдирлаш мақсадида Ташкилий қўмитанинг мажлиси ўтказилади ҳамда танловнинг натижалари эълон қилинади. Танлов ғолиблари ва совриндорларининг рўйхати ташкилий қўмита томонидан тасдиқланади.

6.2. Танлов натижалари расман эълон қилингунга қадар Ҳакамлар ҳайъати ҳамда Ташкилий қўмита аъзолари бу ҳақдаги маълумотларни ошкор этишлари мумкин эмас.

6.3. Танлов натижалари ва ғолибларнинг рўйхати тантанали тақдирлаш маросимидан сўнг Республика Маънавият ва маърифат маркази расмий веб-сайтида ҳамда оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

6.4. Танлов ғолиблари (1-ўрин ғолиби, шунингдек, қўшимча 1 нафар фахрли ўрин) ҳамкор ташкилотлар томонидан таъсис этиладиган диплом, сертификат ва эсдалик совғалар билан тақдирланади.

VII. Яқуний қондалар:

7.1. Танловда иштирок этиш учун тақдим этилган асарлар бўйича расмий изоҳ ва шарҳ берилмайди.

7.2. Танловда иштирок этиш учун ижодий ишлар (расмлар) ҳамда тегишли хужжатлар (Шахсини тасдиқловчи хужжат, ўзи тўғрисида маълумотнома) Республика Маънавият ва маърифат марказининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бўлимлари орқали қабул қилинади.

“Шонли тарихдан буюк келажак сари” номли ижодий ишлар танловини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича НИЗОМ

I. Умумий қондалар:

1.1. “Шонли тарихдан буюк келажак сари” номли ижодий ишлар танлови (бундан буён Танлов деб юритилади) ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, улуғ аجدодларимизнинг бой маънавий меросини тарғиб қилиш, замонамиз қаҳрамонлари образини яратиш ҳамда уларнинг тарихий хизматларини мамлакатимиз аҳолисига етказиш ва абадийлаштириш мақсадида ўтказилади.

1.2. Танлов қуйидаги 3 та номинация бўйича ўтказилади:

- “Энг яхши шеърӣ асар”;

- “Энг яхши ҳикоя”;

- “Энг яхши бадиӣ-публицистик асар”.

1.3. Танлов шартлари ва ўтказилиш тартиби ҳақидаги маълумотлар Республика Маънавият ва маърифат марказининг расмий веб-сайти ҳамда оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилинади.

1.4. Танловни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ барча ташкилий масалалар Республика ва ҳудудий ташкилий қўмиталар томонидан ҳал этилади.

1.5. Ташкилий қўмита заруратдан келиб чиқиб, танлов Низоми ва уни ўтказиш тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиши мумкин.

II. Танловни ташкил этиш тартиби:

2.1. Танловда 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган, ижодкор ёшлар иштирок этиши мумкин.

2.2. Танлов икки босқичда ташкил этилади.

1-босқич: Танлов иштирокчиларининг ҳужжатларини қабул қилиш ва саралаш босқичи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида 2021 йилнинг апрель-май ойларида ўтказилади (ҳудудлардаги ташкилий қўмита томонидан амалга оширилади ва ҳар бир ҳудуддан энг яхши деб топилган ишлар саралаб олинади, Республика ишчи гуруҳига тақдим этилади);

2-босқич: Республика босқичи Республика Маънавият ва маърифат марказида ишчи гуруҳ томонидан 2021 йил июнь ойида ўтказилади. Бунда ҳудудлардан тақдим этилган ишлар ўрганиб чиқилади ва 3 та номинациянинг ҳар биридан энг яхши деб топилган 1-ўрин голиблари (жами 3 нафар),

шунингдек, қўшимча 3 та фахрли ўринга лойиқ кўрилган иштирокчиларнинг (жами 3 нафар) ишлари саралаб олинади.

2.3. Танловга 2020 йил январь ойидан 2021 йилнинг апрель ойига қадар Республика босма ахборот воситаларида чоп этилган материаллар (шеър, хикоя, мақола ва очерклар) қабул қилинади.

2.4. Танлов ғолиби ва совриндорларини тақдирлаш маросимининг куни ва жойи Ташкилий қўмита қарорига асосан белгиланади ҳамда Республика Маънавият ва маърифат маркази расмий веб-сайтида камида 2 кун олдин эълон қилинади.

III. Ҳакамлар ҳайъати таркибини шакллантириш:

3.1. Танловнинг экспертлар гуруҳи таркиби Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳузуридаги “Маърифат” тарғиботчилар жамияти аъзолари, ёзувчи ва шоирлар, таниқли журналистлар, ҳамкор ташкилотлар тавсия этган мутахассислардан шакллантирилади.

IV. Ташкилий қўмита мажбуриятлари:

4.1. Ташкилий қўмита фаолияти давомида қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

- танловни ўтказиш юзасидан қарор қабул қилади;
- танлов тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқади ва унга ўзгартиришлар киритади;
- танлов бошланиши тўғрисида белгиланган муддатларда Маънавият ва маърифат маркази расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида эълон беради;
- ҳакамлар ҳайъати таркибини ҳамда унинг раисини тайинлайди
- танловнинг Республика босқичига ҳужжатларни қабул қилиш жараёнини ташкил этади, аризаларнинг мазкур Низом талаблари асосида расмийлаштирилишини назорат қилади;
- танловнинг бошқа ташкилий масалаларини ҳал этади;
- танловнинг Республика босқичида ғолибликни қўлга киритмаган иштирокчиларнинг ишлари муаллифларга танлов эълон қилинган кундан бошлаб бир ой муддатда қайтариб берилади. Ташкилий қўмита кўрсатилган муддат тугагандан сўнг ижодий ишларни сақлаш учун қафолат бермайди.

V. Танлов шартлари ва баҳолаш мезонлари:

5.1. Танловда иштирок этаётган ижодий ишлар ва унинг мазмунига қуйидаги талаблар қўйилади;

- танловга Низом талаблари асосидаги ижодий ишлар тақдим этилиши лозим;

- ижодий ишлар мазмуни танлов мавзусига мос келиши керак;

- ижодий ишлар мазмуни ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, улуғ аждодларимизнинг бой маънавий меросини тарғиб қилиш, замонамиз қахрамонлари образини яратишга қаратилган бўлиши лозим;

- танловда иштирок этаётган ижодий ишларга учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари, шу жумладан, муаллифлик ҳуқуқини поймол этувчи материаллар, танлов мавзусига зид бўлган, маънавий ва ахлоқий меъёрларга тўғри келмайдиган ижодий ишлар қабул қилинмайди.

5.2. Ижодий ишлар (танлов иштирокчиларининг ишлари) Ҳакамлар ҳайъати томонидан қуйидаги асосий мезонлар бўйича баҳоланади:

- асар мазмунининг мавзуга мос келиши;

- ижодий ишларнинг Низом талабларига мослиги;

- мавзунини ёритишга илмий ёндашилганлик даражаси;

- ижодий ишларнинг тасирчанлиги;

- давр қиёфасини етарли даражада ёритиб бера олганлиги ижодий ишнинг илмий янгилигига қараб баҳоланади.

5.3. Танлов иштирокчиларининг ижодий ишлари Ҳакамлар ҳайъати томонидан ишлаб чиқилган махсус баҳолаш мезони орқали баҳоланади.

5.4. Танловда иштирок этиш истагини билдирган ёшлар танловнинг ҳудудий Ташкилий қўмиталарига ариза билан мурожаат қилиб, ўз аризасига қуйидаги қўшимча ҳужжатларни тақдим этиши лозим;

- иштирокчининг паспорти (ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжат) нусхаси;

- иштирокчининг охириги 3 ой ичидаги 4х6 ҳажмдаги фотосурати.

5.5. Танловнинг Республика босқичига йўлланма олган иштирокчиларга ҳудудий Ташкилий қўмиталар томонидан қуйидаги ҳужжатлар тақдим қилиниши лозим;

- ҳудудий танлов натижалари бўйича танлов Ҳакамлар ҳайъати баённомасидан нусха;

- иштирокчининг ижодий иши;

- иштирокчининг паспорти (ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжат);

- иштирокчининг охириги 3 ой ичидаги 4х6 ҳажмдаги фотосурати.

VI. Ғолибларни тақдирлаш:

6.1. Танлов ғолибларини тақдирлаш мақсадида Ташкилий қўмитанинг мажлиси ўтказилади ҳамда танловнинг натижалари эълон қилинади. Танлов

ғолиблари ва совриндорларининг рўйхати ташкилий қўмита томонидан тасдиқланади.

6.2. Танлов натижалари расман эълон қилинганга қадар Ҳакамлар ҳайъати ҳамда Ташкилий қўмита аъзолари бу ҳақдаги маълумотларни ошкор этишлари мумкин эмас.

6.3. Танлов натижалари ва ғолибларнинг рўйхати тантанали тақдирлаш маросимидан сўнг Республика Маънавият ва маърифат маркази расмий веб-сайтида ҳамда оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

6.4. Танлов ғолиблари (ҳар номинация бўйича 1-ўрин ғолиблари, шунингдек ҳар номинация бўйича 1 нафардан фахрли ўрин) ҳамкор ташкилотлар томонидан таъсис этиладиган диплом, сертификат ва эсдалик совғалар билан тақдирланади.

VII. Яқуний қоидалар:

7.1. Танловда иштирок этиш учун тақдим этилган ижодий ишлар бўйича расмий изоҳ ва шарҳ берилмайди.

7.3. Танловда иштирок этиш учун ижодий ишлар (электрон ва чиқарилган шаклда) ҳамда тегишли ҳужжатлар (Шахсини тасдиқловчи ҳужжат, ўзи тўғрисида маълумотнома) Республика Маънавият ва маърифат марказининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бўлимлари орқали қабул қилинади.

**“Ўзбекистон диёрим, ки андин ифтихорим” номли расмлар танлови ва
“Шонли тарихдан буюк келажак сари” номли ижодий ишлар танловини
ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркиби**

1. **З.Тўрақулов** – Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари ўринбосари, Ташкилий қўмита раиси
2. **К.Акилова** – Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири ўринбосари, Ташкилий қўмита аъзоси
3. **Н.Махмудов** – “Ўзбеккино” миллий агентлиги бош директори ўринбосари, Ташкилий қўмита аъзоси
4. **Ф.Тошмухаммедов** – Ўзбекистон Бадий академияси раиси ўринбосари, Ташкилий қўмита аъзоси
5. **Ғ.Мажидов** – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари, Ташкилий қўмита аъзоси
6. **Ж.Маннонов** – Республика Маънавият ва маърифат маркази бош мутахассиси, ташкилий қўмита котиби